

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
VAZIRLAR MAHKAMASINING
QARORI



ПОСТАНОВЛЕНИЕ
КАБИНЕТА МИНИСТРОВ
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

« 5 » ОКТЯБРЬ 20 19 у.

№ 848

Toshkent sh.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг
Тадбиркорлар мурожаатларини кўриб чиқиш қабулхоналари
хузурида Тадбиркорларнинг жамоатчилик кенгашларини
ташкил этиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳукуқларининг кафолатларини кучайтириш, тадбиркорлик ташаббусларини кўллаб-куватлаш борасидаги ишларни ташкил қилиш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар, шунингдек, тадбиркорлик субъектларининг молиявий ресурслар ва ишлаб чиқариш инфратузилмасидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш тўғрисида” 2019 йил 13 августдаги ПФ-5780-сон Фармони ижросини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қиласди:

1. Коракалпогистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги ҳамда ҳар бир туман ва шаҳарлардаги Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг Тадбиркорлар мурожаатларини кўриб чиқиш қабулхоналари (кейинги ўринларда Бош вазир қабулхоналари деб аталади) хузурида фаол тадбиркорлар, ҳуқуқшунослар ва жамоатчиликнинг бошқа вакилларидан иборат тадбиркорларнинг жамоатчилик кенгашлари (кейинги ўринларда Тадбиркорлар кенгашлари деб аталади) ташкил этилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг Тадбиркорлар мурожаатларини кўриб чиқиш қабулхоналари хузуридаги Тадбиркорларнинг жамоатчилик кенгашлари тўғрисида намунавий низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Белгилаб қўйилсинки:

Тадбиркорлар кенгашлари ўз ишини жамоатчилик асосида олиб борадиган, доимий фаолият юритувчи маслаҳат-кенгаш органи ҳисобланади;

Тадбиркорлар кенгашлари ўз фаолиятини мазкур қарор билан тасдиқланган Намунавий низомга мувофиқ ишлаб чиқилган ва тегишлича Бош вазирнинг Тадбиркорлар мурожаатларини кўриб чиқиш қабулхоналари мудири ва Коракалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар, Тошкент шаҳар ҳамда туман (шаҳар)лар ҳокими билан биргаликда тасдиқланадиган низом асосида амалга оширади;

Тадбиркорлар кенгаши аъзолигига, қоида тариқасида, фаол тадбиркорлар, хукуқшунослар ва жамоатчиликнинг бошқа вакиллари қабул қилинади.

4. Куйидагилар Тадбиркорлар кенгашининг асосий вазифалари этиб белгилансин:

кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантиришга тўсиқ ва ғов бўлаётган муаммоларни бартараф этиш бўйича таклифларни ишлаб чиқиш ва Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги ҳузуридаги Кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлигига (кейинги ўринларда Агентлик деб аталади) ҳамда ваколатли давлат органларига тақдим этиш;

Агентлик, Савдо-саноат палатаси, Адлия вазирлиги, Фермер, деҳкон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашлари билан ҳамкорликда тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг мазмун-моҳиятини тадбиркорларга етказиш;

тадбиркорларнинг хукуқий маданиятини ошириш ва иқтисодий кўникмаларини шакллантириш бўйича Агентлик, жамоатчилик кенгашлари ва бошқа тегишли ташкилотлар билан тизимли алоқаларни йўлга қўйиш;

тадбиркорларнинг хукуқлари, эркинликлари ва конуний манфаатларига дахл қилувчи энг муҳим масалалар юзасидан жамоатчилик фикрини тизимли мониторинг қилиш ва ҳар томонлама таҳлил қилиш, ижтимоий сўровлар ўтказиш, жумладан уларни ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда ўтказиш.

5. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳамда туман (шаҳар)лар ҳокимлари бир ҳафта муддатда:

Бош вазирнинг қабулхоналари, Савдо-саноат палатасининг Тадбиркорликка кўмаклашиш марказлари билан биргаликда жойлардаги фаол тадбиркорлар, хукуқшунослар ва жамоатчиликнинг бошқа вакиллари иштирокида йигилишлар ўтказилишини ҳамда фаол ишбилармонлар ва обрў-эътиборга эга тадбиркорлар, хукуқшунослар ва жамоатчиликнинг бошқа вакилларидан Тадбиркорлар кенгаши аъзолари ва раисини сайлаб олинишини;

Тадбиркорлар кенгаши фаолиятини ташкил этишга доир масалалар ҳал этилишини таъминласин.

6. Бош вазир қабулхоналари мудирлари ўн кун муддатда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳамда туман (шаҳар)лар ҳокимлари билан биргаликда белгиланган тартибда:

фаол ишбилармонлар ва обрў-эътиборга эга тадбиркорлар, хукуқшунослар ва жамоатчиликнинг бошқа вакилларидан иборат Тадбиркорлар кенгашлари таркибини;

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг Тадбиркорлар мурожаатларини кўриб чиқиш қабулхоналари хузуридаги тадбиркорларнинг жамоатчилик кенгаши тўғрисидаги намунавий низом асосида тадбиркорларнинг жамоатчилик кенгаши тўғрисидаги низомларни тасдиқласин.

7. Белгилансинки, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоят, туман (شاҳар) ҳокимлари, уларнинг иқтисодиёт ва тадбиркорлик масалалари бўйича биринчи ўринбосарлари Тадбиркорлар кенгашлари фаолиятини самарали ташкил этишга шахсан жавобгар ҳисобланади.

8. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари – молия вазири Ж.А. Кўчкоров зиммасига ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг Тадбиркорлар мурожаатларини кўриб чиқиш қабулхоналари фаолиятини ташкил этиш ва мувофиқлаштириш котибиятига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири



А. Арипов

Вазирлар Маҳкамасининг
2019 йил “5” октябрдаги 848-сон қарорига
илова

**Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг
Тадбиркорлар мурожаатларини кўриб чиқиш қабулхоналари хузуридаги
тадбиркорларнинг жамоатчилик кенгашлари тўғрисида
НАМУНАВИЙ НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Намунавий низом (кейинги ўринларда Низом деб аталади) Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги ҳамда ҳар бир туман (шаҳар)лардаги Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг Тадбиркорлар мурожаатларини кўриб чиқиш қабулхоналари (кейинги ўринларда Бош вазир қабулхоналари деб аталади) хузурида фаол тадбиркорлар, хукуқшунослар ва тадбиркорларнинг бошқа вакилларидан ташкил этилган Тадбиркорлар жамоатчилик кенгашларининг (кейинги ўринларда Тадбиркорлар кенгашлари деб аталади) вазифалари, функциялари, ваколатларини ва фаолиятини ташкил этиш тартибини белгилайди.

2. Тадбиркорлар кенгашлари ўз ишини жамоатчилик асосида олиб борадиган, доимий фаолият юритувчи маслаҳат-кенгаш органи ҳисобланади.

3. Тадбиркорлар кенгашлари Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги ҳамда ҳар бир туман (шаҳар)лардаги Бош вазир қабулхоналари хузурида ташкил этилади.

4. Тадбиркорлар кенгашлари таркиби фаол тадбиркорлар, хукуқшунослар ва жамоатчиликнинг бошқа вакилларидан иборат фуқаролар орасидан сайлаб олинади.

5. Тадбиркорлар кенгашларининг қарорлари тавсиявий хусусиятга эга.

6. Тадбиркорлар кенгашлари ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, мазкур Низомга ҳамда бошқа қонун хужжатларига амал қиласи.

7. Тадбиркорлар кенгашлари таркиби ва Тадбиркорлар кенгашлари тўғрисидаги низом Бош вазир қабулхоналари мудирлари ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳамда туман (шаҳар)лар ҳокимлари билан биргаликда белгиланган тартибда тасдиқланади.

2-боб Тадбиркорлар кенгашларининг асосий вазифалари, функциялари, хукуқлари ва мажбуриятлари

8. Куйидагилар Тадбиркорлар кенгашларининг асосий вазифалари хисобланади:

кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантиришга тўсиқ ва ғов бўлаётган муаммоларни бартараф этиш бўйича таклифларни ишлаб чиқиш ва Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги ҳузуридаги Кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлигига (кейинги ўринларда Агентлик деб аталади) ҳамда ваколатли давлат органларига тақдим этиш;

Агентлик, Савдо-саноат палатаси, Адлия вазирлиги, Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашлари билан ҳамкорликда тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-куватлаш борасида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг мазмун-моҳиятини тадбиркорларга етказиш;

тадбиркорларнинг хукуқий маданиятини ошириш ва иқтисодий қўнималарини шакллантириш бўйича Агентлик, жамоатчилик кенгашлари ва бошқа тегишли ташкилотлар билан тизимли алоқаларни йўлга қўйиш;

тадбиркорларнинг хукуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига дахл қилувчи энг муҳим масалалар юзасидан жамоатчилик фикрини тизимли мониторинг қилиш ва ҳар томонлама таҳлил қилиш, ижтимоий сўровлар ўтказиш, жумладан уларни ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда ўтказиш.

9. Тадбиркорлар кенгаши ўз зиммасига юклатилган вазифаларга мувофик куйидаги функцияларни бажаради:

доимий равишда кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантиришга тўсиқ ва ғов бўлаётган муаммоларни бартараф этиш бўйича таклифларни ишлаб чиқади;

ҳар ойда кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантиришга тўсиқ ва ғов бўлаётган муаммоларни бартараф этиш бўйича таклифларни Агентликка тақдим этиб боради. Бунда, туман (шаҳар)лардаги Бош вазир қабулхоналари ҳузурида ташкил этилган Тадбиркорлар кенгаши муаммоларни бартараф этиш бўйича таклифларни умумлаштириб Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги Бош вазир қабулхоналари ҳузурида ташкил этилган Тадбиркорлар кенгашига тақдим этади;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги Бош вазир қабулхоналари ҳузурида ташкил этилган Тадбиркорлар кенгашлари таркибидаги Агентлик вакили ушбу муаммоларни умумлаштириб, доимий равишда Агентликка тақдим этиб боради;

соҳага алоқадор бўлган ислоҳотларни тадбиркорларга доимий равишда етказиб боради;

Агентлик, жамоатчилик кенгашлари ва бошқа тегишли ташкилотлар билан тадбиркорларнинг хукуқий маданиятини ошириш ва иқтисодий кўникмаларини шакллантириш бўйича тизимли алоқаларни йўлга кўяди;

тадбиркорларнинг хукуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига дахл қилувчи энг муҳим масалалар юзасидан жамоатчилик фикрини тизимли мониторинг қилиб боради;

тадбиркорларнинг хукуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига дахл қилувчи ижтимоий сўровлар ўтказади;

Бош вазир қабулхоналари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, Тошкент шаҳар ҳамда туман (шаҳар)лар ҳокимларни ҳамда бошқа ташкилотлар томонидан ўтказиладиган тадбиркорликни ривожлантиришга қаратилган илмий-назарий ва илмий-амалий конференциялар, семинарлар, давра сухбатларини ташкил этишда иштирок этади;

10. Тадбиркорлар кенгаши зиммасига юклатилган вазифалар ва функцияларни бажариш учун:

Бош вазир қабулхоналари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, Тошкент шаҳар ҳамда туман (шаҳар)лар ҳокимларни ҳамда бошқа ташкилотлар томонидан ўтказиладиган тадбиркорликни ривожлантиришга қаратилган илмий-назарий ва илмий-амалий конференциялар, семинарлар, давра сухбатларини ташкил этишда иштирок этиш;

Бош вазир қабулхоналари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, Тошкент шаҳар ҳамда туман (шаҳар)лар ҳокимларни ҳамда бошқа ташкилотлар раҳбарларига Тадбиркорлар кенгаши ваколатига кирадиган масалалар юзасидан таклифлар киритиш;

тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш бўйича таклифлар ва тавсияларни ишлаб чиқиши ҳамда амалга ошириш учун зарур бўлган давлат органининг ахборотлари, статистика ва бошқа материалларини белгиланган тартибда олиш;

давлат органлари томонидан ишлаб чиқилган норматив-хукуқий хужжатлар лойиҳаларининг жамоатчилик муҳокамасини таъминлашда иштирок этиш;

тадбиркорлик субъектларининг мурожаатларига давлат органлари ва бошқа ташкилотлар томонидан берилган жавобларни таҳлил қилиш;

Тадбиркорлар кенгашлари мажлисларида муҳокама қилинадиган масалаларни ёритиш бўйича оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорлик қилиш;

Тадбиркорлар кенгашлари ўзларига юклатилган вазифаларни бажариш учун конференциялар, форумлар, семинарлар, давра сухбатлари ва бошқа тадбирларни ташкил этиш хукукига эга.

Тадбиркорлар кенгашлари қонун хужжатларига мувофиқ бошқа хукуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

11. Тадбиркорлар кенгашлари ўз фаолиятини амалга оширишда:
жамоатчилик назорати тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига риоя
қилиши ҳамда қонун ҳужжатларида белгиланган чекловларга амал қилиши;
фуқароларнинг ор-номуси ва қадр-қимматини таҳқирлашга, уларнинг
шахсий ҳаётига аралашибга йўл қўймаслиги;

жамоатчилик назоратини амалга ошириш давомида олинган
ахборотнинг, агар бундай ахборотни тарқатиш қонун билан чекланган бўлса,
махфийлигига риоя қилиши шарт.

Тадбиркорлар кенгашининг зиммасида қонун ҳужжатларига мувофик
бошқа мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин.

3-боб. Тадбиркорлар кенгашларининг таркибини шакллантириш ва ишини ташкил этиш тартиби

12. Тадбиркорлар кенгашларининг таркибига унинг раиси, раис
ўринбосари, котиби ва аъзолари киради.

13. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар
ва Тошкент шаҳар ҳамда туман (шаҳар)лар ҳокимлари Бош вазир
қабулхоналари, Савдо-саноат палатасининг Тадбиркорликка кўмаклашиш
марказлари билан биргаликда Тадбиркорлар кенгашларининг аъзоларини
сайлаш тўғрисида жойларда ўтказиладиган йиғилиш иштирокчиларига таклиф
киритади.

Тадбиркорлар кенгашларининг аъзолари мазкур йиғилиш
иштирокчиларининг учдан икки қисми овоз берган тақдирда сайланган
хисобланади.

14. Тадбиркорлар кенгашларининг раиси, раис ўринбосари ва котиби
Тадбиркорлар кенгашлари аъзолигига сайланганлар орасидан йиғилиш
иштирокчиларининг учдан икки қисми овози билан сайлаб олинади.

Бунда, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар,
Тошкент шаҳаридаги Бош вазир қабулхоналари хузурида ташкил этиладиган
Тадбиркорлар кенгашлари таркибига Агентлик ҳамда Савдо-саноат
палатасининг вакиллари киритилади.

Тадбиркорлар кенгашлари аъзоларининг сони чекланмаган.

15. Тадбиркорлар кенгашлари таркиби ҳар 3 йилда тасдиқланади.

16. Куйидаги ҳолатларда Тадбиркорлар кенгашларининг раиси, раис
ўринбосари, котиби ва аъзолари унинг таркибидан чиқарилиши мумкин:

улар томонидан Тадбиркорлар кенгашлари таркибидан чиқиши тўғрисида
ариза берилганда;

уларга нисбатан чиқарилган суднинг айблов ҳукми қонуний кучга
кирганда;

вафот этганда, шунингдек, суднинг қонуний кучга кирган ҳал қилув
карори асосида улар муомалага лаёқатсиз, бедарак йўқолган ёки вафот этган
деб топилганда.

17. Тадбиркорлар кенгашларининг таркиби тўғрисидаги маълумотлар ва унга киритилган ўзгартиришлар улар тасдиқланган пайтдан бошлаб 5 кун ичида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, Тошкент шаҳар ҳамда туман (шаҳар)лар ҳокимликларининг расмий веб-сайтларида эълон қилинади.

18. Тадбиркорлар кенгашларининг раиси:

Тадбиркорлар кенгашларининг фаолиятига умумий раҳбарлик қиласи;

Тадбиркорлар кенгашларининг мажлисларини чақиради ва кун тартибини белгилайди;

Тадбиркорлар кенгашларининг мажлисларида раислик қиласи;

Тадбиркорлар кенгашларининг иш режасини, мажлиси баённомасини ва бошқа хужжатларини тасдиқлайди;

Тадбиркорлар кенгашлари қарорларининг ижросини назорат қиласи;

Тадбиркорлар кенгашлари аъзоларининг зиммасига юклатилган вазифаларни бажарилишини мувофиқлаштиради;

Тадбиркорлар кенгашлари қарорларини бажариш масалалари юзасидан Баш вазир қабулхоналари мудирлари билан ҳамкорлик қиласи;

Тадбиркорлар кенгашларининг самарали ишини таъминлаш бўйича бошқа ваколатларни амалга оширади.

19. Тадбиркорлар кенгашларининг раиси бўлмаган тақдирда, унинг ваколатлари ва мажбуриятларини раис ўринбосари бажаради.

20. Тадбиркорлар кенгашлари раисининг ўринбосари:

раис йўқлигига тадбиркорлар кенгашларининг мажлисларида раислик қиласи;

Тадбиркорлар кенгашлари қарорларининг ижросини назорат қилиш бўйича ишларни ташкил этади;

Тадбиркорлар ва уларнинг вакилларини қабул қиласи, шунингдек, Тадбиркорлар кенгашлари фаолиятига тааллуқли мурожаатларни кўриб чиқиш бўйича ишларни ташкил этади;

Тадбиркорлар кенгашларининг самарали ишларини таъминлаш бўйича бошқа ваколатларни амалга оширади.

21. Тадбиркорлар кенгашларининг котиби:

Тадбиркорлар кенгашларининг фаолиятини услубий, ташкилий-хукукий ва ташкилий-техник жиҳатдан таъминлаш масалаларини ҳал қиласи;

Тадбиркорлар кенгашларининг навбатдаги мажлисига барча зарур материаллар ўз вақтида тайёрланишини таъминлайди;

кун тартибига мувофиқ Тадбиркорлар кенгашлари мажлислари ўтказилишини ташкил этади;

Тадбиркорлар кенгашлари ўтказиладиган сана, жой ва таклиф этиладиган шахслар рўйхатини Тадбиркорлар кенгашларининг раиси билан келишади;

Тадбиркорлар кенгашларининг аъзоларини ва таклиф этилган шахсларни Тадбиркорлар кенгашлари мажлиси ўтказиладиган жой, сана ва вақт ҳакида хабардор қиласи;

Тадбиркорлар кенгашлари қарорларининг ижро этилиши устидан мониторинг олиб боради ва унинг натижаларини тадбиркорлар кенгашлари мажлисида кўриб чиқиш бўйича таклифлар киритади;

Тадбиркорлар кенгашлари мажлисининг баённомасини расмийлаштиради ва тасдиқланган баённоманинг Тадбиркорлар кенгашлари аъзолари ҳамда бошқа манфаатдор шахсларга жўнатилишини таъминлайди;

Тадбиркорлар кенгашларининг самарали ишлашини таъминлаш бўйича бошқа ваколатларни амалга оширади.

22. Тадбиркорлар кенгашларининг аъзолари ўз мажлислида кўриб чиқиладиган масалаларни муҳокама қилиш ва ҳал қилишда ўз ваколатини бошқаларга ўтказиш хуқуқига эга эмас.

Тадбиркорлар кенгашларининг мажлисида иштирок этиш имкони бўлмаган ҳолатларда, унинг аъзоси мажлис кун тартибидағи масалалар бўйича ўз фикрини ёзма шаклда юбориши мумкин. Бунда унинг фикри мажлисда кўриб чиқилади ва овоз беришда ҳисобга олинади.

Тадбиркорлар кенгашларининг аъзолари:

Тадбиркорлар кенгашлари иш режаларининг лойиҳаларини тайёрлайди, уларни Тадбиркорлар кенгашларида кўриб чиқиш учун киритади ва тасдиқланган иш режалари бажарилишини таъминлайди;

кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш, тадбиркорлик субъектлари ҳамда чет эллик инвесторларининг йўлига тўсиқ ва ғов бўлаётган муаммоларни бартараф этиш бўйича таклифлар ва тавсияларни ишлаб чиқишида ҳамда амалга оширишда қатнашади;

Тадбиркорлар кенгашларининг кун тартибига киритилган масалалар юзасидан таҳлилий материаллар тайёрлайди;

Тадбиркорлар кенгашларининг ваколатига кирадиган масалалар билан боғлиқ мурожаатларни кўриб чиқади ва натижалари бўйича тегишли хужжатларни тайёрлайди;

Тадбиркорлар кенгашларининг зиммасига юклangan вазифалар ва функцияларга мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

23. Тадбиркорлар кенгашлари фаолиятининг асосий масалалари унинг мажлисида кўриб чиқилади. Тадбиркорлар кенгашларининг мажлиси унинг иш режалари асосида ҳар ойда камида бир марта чақирилади.

Тадбиркорлар кенгашларининг раиси кенгаш аъзоларининг учдан бир қисмининг ёзма мурожаати асосида унинг навбатдан ташқари мажлисини чақириши мумкин.

24. Тадбиркорлар кенгашлари мажлиси кун тартибининг лойиҳаси котиб томонидан Тадбиркорлар кенгашлари аъзоларининг таклифлари ва Тадбиркорлар кенгашлари раисининг топшириғи асосида шакллантирилади.

25. Тадбиркорлар кенгашларининг мажлисини унинг раиси олиб боради. Раис иштирок эта олмаган ҳолатларда, мажлисни унинг ўринбосари олиб боради.

26. Тадбиркорлар кенгашларининг мажлиси, агар унда Тадбиркорлар кенгашлари аъзоларининг камида учдан икки қисми (кворум) иштирок этган тақдирда ваколатли ҳисобланади.

Мажлисни ўтказиш учун кворум шаклланмаган тақдирда, Тадбиркорлар кенгашларининг янги мажлиси ўтказиладиган сана эълон қилинади.

27. Тадбиркорлар кенгашларининг қарори мажлисда иштирок этаётган Тадбиркорлар кенгашлари аъзоларининг оддий кўпчилик овози билан қабул қилинади.

28. Тадбиркорлар кенгашларининг ҳар бир аъзоси қабул қилинаётган қарорлар бўйича ўзининг фикрини ёзма шаклда ифодалашга ҳақли. Унинг фикри Тадбиркорлар кенгашлари мажлисининг баённомасига мажбурий тартибда кўшиб қўйилади.

29. Тадбиркорлар кенгашларининг мажлисида қабул қилинган қарор баённома билан расмийлаштирилади. Тадбиркорлар кенгашлари мажлисининг баённомаси котиб томонидан имзоланади, мажлисга раислик қилувчи томонидан тасдиқланади ва уч кун муддатда давлат органлари ва бошқа ташкилотларга, Тадбиркорлар кенгашлари аъзоларига ва манфаатдор шахсларга юборилади.

30. Тадбиркорлар кенгашларининг котиби кенгаш аъзолари кўмагида Тадбиркорлар кенгашлари қарорлари ижросининг боришини ўрганади ва кўриб чиқади, зарур бўлган ҳолларда, Тадбиркорлар кенгашларининг раисига тегишли таклифлар киритади.

4-боб. Якунловчи қоидалар

31. Тадбиркорлар кенгашларининг фаолияти унинг низомига ва Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига мувофиқ эканлиги Бош вазир қабулхоналари мудирлари томонидан назорат қилинади.

32. Тадбиркорлар кенгашларининг қарорлари устидан белгиланган тартибда шикоят қилиниши мумкин.

